

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ**

*Ижтимоий фанлар кафедраси*

**«ИНСОН ҚАДРИ –  
ТАРАҚҚИЁТ  
СТРАТЕГИЯСИНИНГ  
АСОСИ»**



**Республика илмий-назарий конференцияси**

(«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»га бағишланади)

**Бухоро – 2022**



«Инсон қадрини улуғлаш йили»га бағишиланган «Ижтимоий фанлар» кафедраси томонидан ўтказиладиган республика илмий –назарий анжумани «Инсон қадри-тараққиёт стратегиясининг асоси» мавзусида қуидаги йўналишлар негизида ташкил этилиб, бир қатор бутунги кунда жамиятда мавжуд бўлган, ечилиши кутилаётган муаммо ва масалаларни ўз ичига олади. Хусусан, Инсон қадрини юксалтириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш масалаларига бағишиланган мақолалар, жамиятда қонун устуворлиги ва хукукий маданиятни янада ошириш муаммоларини ўрганиш ҳамда таҳдил этиш бўйича фикрлар, тавсиялар, шунингдек, ижтимоий сиёsat фалсафасида инсонт капитали билан боғлик бўлган масалаларни ўрганиш бўйича хulosалар, маънавий тараққиётнинг муаммо ва ечимларини таҳдил этиш натижасида юзага келган фактлар, далиллар, кўрсатмалар ушбу анжуман материаллари тўпламидан ўрин олган.

**Масъул муҳаррир:**

**Э.Х.Зоиров** – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудири, ф.ф.н.

**Таҳрир ҳайъати:**

**Н.Р.Баракаев** – БухМТИ  
ректори, т.ф. д., профессор  
**М.З.Шарипов**, БухМТИ илмий  
ишлар ва инновациялар проректори,  
физика-математика ф.д.  
**Г.Н. Наврӯзова** – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси ф.ф.д., профессор  
**Ф.М.Бафоев** – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти, с.ф.н.  
**Ф.А.Каландарова** – БухМТИ  
«Ижтимоий фанлар» кафедраси  
ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

**Б.Т.Мирзакулов** – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти, т.ф.н.  
**Л.С.Султонова** – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси

## СОГЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.

*Вохидова М.Т. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси  
доценти, ф.ф.н.*

*Акрамова М.Т.- БухДУ "Мактабгача таълим" кафедраси  
китти ўқитувчиси*

Инсон юксак фазилатлар ва кадриятларни эгалламасдан, ўзида инсонга мұхаббат түйгүсини шакллантирмасдан, хулқы, одобли, инсонпарвар бўлмасдан туриб етук шахс, комил инсон бўлиб етишиши мушкул. Иқтидорли талаба-ёшларни ўқитишида, уларни ҳаётга тайёрлашда буюк аждодларимиз меросини ўрганмасдан туриб, уларни комил инсонлар қилиб тарбиялай олмаймиз. Шу сабабдан ҳам алломаларимиз томонидан қолдирган маънавий бойликларимизни ёшларимизга етказишимиз ва уларни ҳам комил инсон бўлиб етишишларида ўз хиссамизни кўшмоғимиз лозим.

Буюк мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий (1441-1501)нинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислом фалсафасидан озиқланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зохирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган.

Ҳазрат Навоий инсонпарварлигининг мұхим хусусияти шундаки, ул зот ўзининг ғазал, рубоий ва достонларида инсонпарварликка оид қарашлари, кимматли ғояларни баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки ўзи буюк инсонпарвар шоир деган ном қозонди, инсонийликда бошқаларга ўрнак бўлди. У доимо оддий ҳалқ ғам-ташвишига шерик бўлди, уларга ҳомийлик қилди.

Тарихий манбаларда, айниқса тарихчи Хондамир (тажм.1475-1535) нинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида Ҳазрат Навоийнинг ёшлигидан то вафотига кадар бўлган ҳаётининг мұхим саналари, ижоди, давлат ишларидағи фаолияти, хулқи, савобли ва хайрли ишлари, илм-фан ва санъатта ҳомийлиги, меҳр-муруввати, саховатпешалиги, юрт ободончилиги учун саъй-ҳаракати, гарип, бечора ва камбагаллар, етим-есирларга ғамхўрлиги, камтарлиги, хокисорлиги ҳақида муфассал маълумот берилади. Тарихчи унинг одамийлиги, ҳалқпарварлиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, раҳмдиллиги, ҳидоят сари интилишига юксак баҳо беради.

Ушбу китобда келтирилишича, шоир ёшлигидан мол-мулк, бойлик йигишига ружу қўймаган. Аксинча, мол-мулкидан тушган даромадини ҳалқ

**ИНСОН ҚАДРИ –  
таракқиёт стратегиясининг асоси**

фаровонлиги, мамлакат равнаки учун сарфлаган. У ўзининг бўш вақтини диний китобларни кироат қилишга, шеър ва достонлар ёзишга сарфлаган. «... Ул хидоят ва иқбол осмонининг қуёши..., – дейди Хондамир улуғ мутафаккир ҳакида, – ёшлиқдан ўсиб-унган даври давомида дунё ва ундаги нарсалардан илтифотсизлик енгини силкиган, ҳеч қачон ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизикиш гардини юқтиргмаган»<sup>1</sup>.

Ҳазрат Навоий шахсан ўзининг даромадидан катта ободончилик ишларини олиб борган. У Хурсонда 300 дан ортиқ работлар, ҳаммом ва хонакоҳлар, ҳовузлар, мадраса ва масжидлар барпо килганлиги, ирригация иншоотлари қурдириб, каналлар қаздирганлиги тарихдан маълум. Хондамир уларнинг баъзиларини ўз китобида санаб ўтади. Шунинг учун Мир Алишер хазинасида ҳеч қачон катта микдорда маблағ тўпланиб турмаган. Тушган маблағ тезда муҳтоҷларга тарқатилган ёки бинолар курилишига сарф қилинган. Хондамирнинг хабар беришича, ул зот карами ва саҳоватпешалигининг чеки-чегараси йўқ эди: «Узоқ ва яқиндаги фозиллар, шоирлар, факир ва заиғлар ва етимларнинг кўнглини инъом ва тўнлар билан кўтарарди балки ҳамма табакадаги кишилар (хос ва авом)ни ўзининг поёнсиз инъом ва эҳсон емишидан узлуксиз баҳраманд қиласарди».

Хондамир Ҳазрат Навоийнинг одамийлиги, инсонларга меҳрибонлиги, олийҳимматлиги, камтарлиги, мулоиммиллиги, саҳийлиги ҳакида маълумот беради ва мутафаккирнинг ушбу фазилатлари ҳакида қизиқарли воқеаларни келтиради. Унинг айтишига қараганда, шоирнинг довруғи бутун мусулмон мамлакатларига, айниқса араб ва араб бўлмаган мамлакатларга кенг тарқалган. Унинг бағрикенглиги, раҳмидиллиги, меҳршафқатлилиги, муҳтоҷ ва ғарибларга ёрдам беришини эшигтан кўплаб ночор одамлар ундан мадад сўраб келганлар. «Ғариб ва мусофиirlар, – деб ёзди Хондамир, – дунёнинг ҳар томонидан йўл кўрсатувчи остонасига тўпланиб, хайр ва баракали ноз-неъматларидан истаганча баҳра олардилар. Факир ва муҳтоҷлар Эрон ва Турон мамлакатининг узоқ жойларидан келиб, ҳалойик тўпланиш жойи бўлган даргоҳига сифиниб, карам ва эҳсон дастурхонидан тўлиқ фойдаланаар ва насибахўр бўлардилар...»

Хондамирнинг ушбу китобда келтирган фикрлари, маълумотларидан шу нарса маълум бўладики, Ҳазрат Навоий том маънодаги инсонпарвар

<sup>1</sup> Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. - 62 - 63 б.



бўлган, доимо халқ гамида яшаган, гариф, бева-бечора ва етим-есирларнинг оғир қисматини оз бўлса-да енгиллаштиromoқчи бўлган. Мутафаккирнинг асаларидағи инсонпарварлик тўғрисидаги фикрлари, унинг турмуш тарзи, хайрли ишлари, халққа килган ёрдами, юриш-туриши, амалий ишлари билан бир-бирини тўлдириб турган. Бошқача қилиб айтганда, Ҳазрат сўз ва иш бирлигига амал қилган. Ул зотнинг килган хайрли ишлари, карам ва саховати, инсонпарвар ва халқпарварлиги бошқа таъмагир, хасис бой-амалдорларга сабоқ бўлган ва ибрат вазифасини ўтаган. Буларнинг ҳаммаси айни бир вақтда мутафаккирнинг комил ва етук инсон бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Биринчи президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Тарих миллатнинг ҳакиқий тарбиячисига айланниб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб янги фуқаролик онгини шакллантиromoқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда».

Баркамол авлодни, комил ва етук инсонни тарбиялашдек максадга эришишда тарихимизнинг ёркин сиймолари – алломаларимизнинг ибратли ҳаёт тарзи, бажарган амаллари, инсонпарварликка оид насиҳат ва маслаҳатларини ўрганиш, ўзлаштириш, тарғиб қилиш кўхна тарих олдидаги инсонийлик бурчимиздир.

## МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ЭСТЕТИК ҚАДРИЯТ

*Рахмонова М. – БМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта  
йўқитувчиси*

Мустақиллик даврида шаклланган миллий мафкурамиз тизими халқимизнинг наинки орзу умидлари, тарихи, фалсафий-диний қарашлари, юксак маънавияти, маданияти миллий қадриятларимиз, миллий менталитетимиз халқимизнинг инсонпарварлик ва ватанпарварлик фазилатлари асосида ташкил топди. Ўзбек халқининг эстетик қадриятларида биродарлик, бағри-кенглик, меҳр-муруватлилик, ғамхўрлик каби фазилатлар устун туради.

Миллий мафкура ўзининг эстетик, ахлоқий, сиёсий, диний моҳияти билан олиjanоб ғояларга йўл очади, ҳаётда амал қилишига имконият яратди. Демак, миллий мафкура негизида халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги куни бирлашар экан, бунинг натижасида ҳар бир шахсда ўз халқи ва